

Фарзанд кўришни хоҳласангиз...

16:15 / 19.04.2017 5682

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Аллоҳ азза ва жалла Қуръони каримда "Нух" сурасининг 10-12 оятларида Нух алайҳис саломнинг тилидан: "Бас, дедимки: «Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир.(Шунда, яъни истиффор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур,сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур", дея, истиффор айтганларга мазкур буюк неъматларни беришини айтган. Ривоят қилинишича, Нух алайҳиссалом ўз қавмини узоқ муддат Аллоҳ таолонинг ҳидояти сари чорлаб, турлича, махфий ва ошкора даъватлар қилганлар. Қавми у кишини ҳадеб (сен ёлғончисан, пайғамбар эмассан деб) ёлғончига чиқаравергач, Аллоҳ таоло қирқ ёки етмиш йил уларга ёмғир ёғдирмади ва аёлларини бепушт қилиб қўйди. Сўнг мазкур оятларни нозил қилиб, улар агар истиффор айтсалар, улардан бу балоларни кўтаришини ваъда қилган.

Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳуга бир киши осмондан ёмғир ёғмаётгани сабаб қурфоқ чилик бўлаётганидан шикоят қилиб, ундан қутилиш йўлини сўради. Шайх унга: "Истиффор айтинг", дедилар. Иккинч киши келиб, камбағаллигидан нолиди. Шайх унга ҳам: "Истиффор айтинг", дедилар. Яна бир киши бефарзандлик туфайли насли камайиб кетаётганидан шикоят қилди. Шайхдан эса янги жавоб чиқмади. Яна: "Истиффор айтинг", дедилар. Тўртинчи киши эса ери яхши ҳосил бермаётганидан нолиган эди, Шайх унга ҳам: "Истиффор айтинг" дедилар. Шунда Рабиъ ибн Сабиҳ: "Ҳазрат, сизга бир нечта одам турлича шикоятлар билан келди. Сиз эса ҳаммасига бирдай,"Истиффор айтинг" демоқдасиз. Буни сабаби нима?", деб сўради. Унга жавобан Ҳасан Басрий мазкур: "Бас, дедимки: «Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир.(Шунда, яъни истиффор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур,сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур", ояти карималарни тиловат қилиб берган эканлар.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссалом тиллари ила бутун инсониятга, Ўзининг барча бандаларига хитоб қилмоқда. Яъни, "Истиффор айтсангиз, аввало гуноҳингиз ни кечираман. Ўғил-қиз фарзандлар бераман, устингиздан баркали ёмғир ёғдириб, сизга боғлар ва анҳорларни барпо қилиб бераман. Буларнинг ҳаммаси мени қўлимда. Буларни беришга фақат мен қодирман", демоқда. Аллоҳ таолонинг гапи энг тўғри гап. Ваъдаси эса юз фоиз кафолатли ваъдадир. Бир киши ҳар қанча тўғрисўз, ваҳдасини урдасидан чиқадиган бўлмасин, бирор ишга ваъда берса, узри чиқиб қолиши, автоҳалокатми, ёки ажали етиб ўлиб қолиши сабабми, ваъдасини бажара олмай қолиши мумкин. Аллоҳ таоло эса ҳеч бир узри чиқмайдиган Ҳайй ва Қойюм зотдир. Унга ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди. Ҳар қандай докторнинг муолажаси бундай кафолатга эга эмас. Шунинг учун, доимий истиффор билан табиб муолажаси бирга олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Китобларда фарзанд кўрмаётганларнинг кўп истиффор айтиш натижасида фарзанд кўрганлари айтиб ўтилган.

Хулоса

Гуноҳларим кечирилсин десангиз, истиффор айтинг.

Серфарзанд бўлай десангиз, истиффор айтинг.

Сердавлат бўлай десангиз, истиффор айтинг.

Аллоҳ таоло бизга боғу анҳорлар ато айласин десангиз, истиффор айтинг.

Соғ-омон бўлай десангиз, истиффор айтинг.

Ҳосилим мўл-кўл бўлсин десангиз, истиффор айтинг.

Фойдали ёмғирлар сероб бўлсин десангиз, истиффор айтинг!!!

Баҳодир Баҳромжон ўғли

Тошкент Ислом институти талабаси

"Тафсирун насафий" китоби асосида тайёрлади

